

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ҚОРАҚАЛПОҚ
ИЖТИМОЙ ФАҢЛАР ИЛМЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 27.06.2017. Tar.01.04 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

УРҒАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ДАВЛЕТОВ САНЖАРБЕК РАЖАБОВИЧ

**XX АСР ИККИНЧИ ЯРМИ – XXI АСР БОШИДА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ
ЭКОЛОГИК ВАЗИЯТ ВА УНИНГ ИЖТИМОЙ МУАММОЛАРИ**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАҢЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фан доктори диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук

Content of the abstract of dissertation of doctor of sciences

Давлетов Санжарбек Ражабович

XX аср иккинчи ярми – XXI аср бошида Ўзбекистондаги экологик
вазият ва унинг ижтимоий муаммолари..... 3

Давлетов Санжарбек Ражабович

Экологическая ситуация в Узбекистане во второй половине
XX – начале XXI века и её социальные проблемы 35

Davletov Sanjarbek Rajabovich

The ecological situation and its social problems in Uzbekistan in the second
half of the XX century – beginning of XXI century..... 67

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 71

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ҚОРАҚАЛПОҚ
ИЖТИМОЙ ФАҢЛАР ИЛМЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 27.06.2017. Tar.01.04 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

УРҒАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ДАВЛЕТОВ САНЖАРБЕК РАЖАБОВИЧ

**XX АСР ИККИНЧИ ЯРМИ – XXI АСР БОШИДА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ
ЭКОЛОГИК ВАЗИЯТ ВА УНИНГ ИЖТИМОЙ МУАММОЛАРИ**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАҢЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Tar5 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Урганч давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ik-tarix.nuu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Алимова Дилором Агзамовна
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Расулов Абдулла Нуритдинович
тарих фанлари доктори, профессор

Обламуродов Наим Халимович
тарих фанлари доктори

Аимбетов Нагмет Каллиевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, академик

Етакчи ташкилот:

Нукус Давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети, Қорақалпоқ ижтимоий фанлар илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc. 27.06.2017. Таг.01.04 рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат ____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Бош бино, 2-қават. Мажлислар зали. Тел.: (99871)227-12-24; факс: (99871)246-53-21, (99871)246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz Ўзбекистон миллий университети).

Докторлик диссертацияси билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот – ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Бош бино).

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилган.
(2018 йил «___» _____даги ____-рақамли реестр баённомаси)

А.А.Маврулов

Илмий даражаларни берувчи Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Х.Э.Юнусова

Илмий даражаларни берувчи Илмий кенгаш котиби, т.ф.д.

С.Б.Шадманова

Илмий даражаларни берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, т.ф.д.

КИРИШ (Докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Инсоният тараққиёти турмуш даражасининг пасайишига сабаб бўлувчи иқлим ўзгаришлари, экологик тизимнинг бузилиши, сув ва ҳаво ҳавзаларининг ифлосланиши, ерларнинг чўлланиши ва шўрланиши каби глобал экологик муаммолар билан юзма-юз келган ҳозирги даврда инсон ва табиатнинг ўзаро таъсири масалалари тобора кўпроқ эътиборни ўзига жалб қилмоқда. ХХІ аср чегарасида юзага келган вазиятдан чиқиш мақсадида сайёрамиздаги экологик таҳдидларларга қарши кураш вазифаларини қамраб олган Барқарор тараққиёт концепцияси ишлаб чиқилди.

Сайёрамиздаги экологик муаммоларнинг кучайиши инсонийлик инқирозининг оқибатларини ифода этиб, экологик муаммоларнинг ижтимоий устуворлиги барча йўналишлардаги тадқиқотларни экологик йўналтиришни қатъий белгилаб берди. Бунинг натижасида атроф-муҳит тарихи – ҳозирги даврда халқаро илмий ҳамжамиятда ҳам, МДХ давлатлари, хусусан Ўзбекистонда ҳам ўзига хос замонавий назарий-методологик базага асосланиб ривожланаётган мустақил йўналишларидан бирига айланди. Замонавий тарихий тадқиқотлар совет даврида маъмурий-буйруқбозлик тизимига асосланган иқтисодий сиёсат юритилиши пахта яккаҳокимлигига йўл очилишига, табиатга, кишилик ҳаётининг асосларига зарар етказилишига, Орол денгизининг қуришига, суғориладиган ерларнинг ифлосланишига сабаб бўлганлигини кўрсатди. Экологик муаммоларга эътиборсизлик туфайли ижтимоий турмуш шароити ҳам оғирлашди.

Ўзбекистонда давлат мустақиллигига эришилгандан сўнг, бир томонлама ривожланган, фақат хомашё етиштиришга йўналтирилган, пахта яккаҳокимлиги ҳалокатли даражада авжига чиққан, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаси қолоқ иқтисодий меросга эга бўлган ҳолатда чорак асрлик мустақил тараққиёт йўлида барча соҳаларда туб ўзгаришлар юз берди, аҳолининг саломатлиги, меҳнат фаолияти муҳофазаси ва ҳаётий зарур шароитларни таъминлашга йўналтирилган кенг қамровли ижтимоий-экологик сиёсат амалга оширилди. Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий масалалар ечими экология ва атроф-муҳитни соғломлаштириш жараёнлари билан узвий боғлиқ ҳолда кечди. Буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг атроф-муҳит тарихини иккита тарихий давр – охирги 75 йилда мамлакат раҳбариятининг сиёсати ва экологик вазиятни компаратив таҳлил асосида ўрганишнинг устуворлигини белгилайди. Айниқса, мамлакатимиз энг янги тарихининг муҳим қисми сифатида ушбу муаммони ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади. Айнан мазкур даврда экологик муаммолар ечимида сезиларли ўзгаришлар юз берди.

Муаммонинг долзарблиги мамлакат раҳбариятининг расмий ҳужжатларида¹, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 январдаги «2017 – 2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ри-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 январдаги ПҚ-2731-сонли Қарори, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони, 2017 йил 21 апрелдаги ПФ-5024-сонли Фармони (www.lex.uz).

вожлантириш давлат дастури тўғрисида»ги Қарори, 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ҳамда 2017 йил 21 апрелдаги «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонида белгиланган вазифаларнинг аҳамияти билан уйғунлигида кўринади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи². Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистоннинг совет даври ва мустақиллик йилларидаги экологик муаммоларига бағишланган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, хусусан, Ғарбий Мичиган университети (АҚШ), Аризона университети (АҚШ), Массачусетс технология институти (АҚШ), Бонн университети ривожланиш тадқиқотлари маркази (Германия), Вюрцбург университети (Германия), Москва давлат педагогика университети (Россия), Красноярск давлат аграр университети (Россия), шунингдек, ФА Тарих институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида XX аср иккинчи ярми – XXI аср бошида Марказий Осиёдаги ижтимоий-экологик муаммолар бўйича қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: Ўзбекистондаги экологик муаммоларнинг юзага келишига сабаб бўлган Совет ҳокимияти аграр сиёсатининг моҳияти, хусусан, суғориладиган ер майдонларининг кескин кенгайтирилиши, сув ресурсларидан нооқилона фойдаланиш, пахта яккаҳокимлигининг салбий оқибатлари илмий асосланган (Western Michigan University (АҚШ)); Орол денгизи қуришининг минтақадаги ижтимоий-экологик вазиятга салбий таъсири таҳлилий маълумотлар асосида очиб берилган (The University of Arizona (АҚШ)); собиқ Иттифокда табиатни асраш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича ҳукумат қарорлари билан уларни амалда қўлланилиши ўртасидаги қарама-қаршиликлар минтақавий жараёнлар мисолида очиб берилган ((Москва давлат педагогика университети (Россия), Красноярск давлат аграр университети (Россия)); Оролбўйи минтақасидаги экологик вазиятни яхшилаш борасидаги масалалар халқаро дастур ва лойиҳалар доирасидаги жараёнлар орқали очиб берилган (The Center for Development Research (ZEF) University of Bonn (Германия)); Марказий Осиё давлатларининг сув-энергетика ресурсларини биргаликда бошқариш механизми барқарор тараққиёт учун шароит яратишини асословчи хулосалар келтирилган (Massachusetts Institute of Technology(АҚШ), The University of Würzburg (Германия)).

² www.wmich.edu; www.arizona.edu; web.mit.edu; www.zef.de; www.uni-wuerzburg.de; www.mgpu.ru; www.kgau.ru; www.uzhistory.uz.

Хорижий етакчи илмий ва таълим муассасаларининг Марказий Осиё минтақасидаги экологик масалаларга доир қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: Марказий Осиёдаги ижтимоий-сиёсий, экологик-иқтисодий жараёнларни барқарор тараққиёт контекстида тадқиқ қилиш; сув ресурсларидан фойдаланишнинг минтақавий хусусиятларини ўрганиш; экологик вазиятга таъсир қилувчи омилларни локал ҳамда глобал доирада таҳлил қилиш; экологик вазиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётга таъсирини ўрганиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Диссертациянинг алоҳида бобида XX аср ўрталаридан бошлаб шу вақтга қадар Ўзбекистондаги ижтимоий-экологик масалалар юзасидан олиб борилган илмий тадқиқотлар ва адабиётлар таҳлил қилинган. Муаммонинг тарихшунослиги шартли равишда уч гуруҳга бўлинган. Биринчи гуруҳга – совет даврида чоп этилган ишлар киради. Иккинчи гуруҳни – мустақиллик даври адабиётлари ташкил этади. Учинчи гуруҳ – асосан хорижлик муаллифларнинг тадқиқот ишларидан иборат.

Совет даврида Ўзбекистондаги экологик муаммолар ва шу билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий масалаларни ўрганиш жараёни бевосита Орол муаммоси билан боғлиқ ҳолда XX аср 60-йилларининг иккинчи ярмидан табиий фанлар йўналишида тадқиқот олиб борган маҳаллий олим ва мутахассисларнинг матбуотдаги чиқишларидан бошланди³. Уларда инсоннинг хўжалик фаолияти натижасида Орол ва Оролбўйида юз бериши мумкин бўлган ўзгаришлар ҳақида фикр юритилган.

1980-йилларга келиб, Орол денгизининг қуриши оқибатида вужудга келган экологик ҳалокат ҳақида турли соҳа вакиллари⁴ томонидан маҳаллий матбуотда қатор мақолалар чоп этила бошланди. Уларда муаллифлар экологик ҳалокат аввало, атроф-муҳитга бўлган эътиборсизликнинг оқибати эканлигини уқтирдилар. Бу даврда шунингдек, Орол ва Оролбўйи муаммоларига бағишланган қатор тадқиқот ишлари чоп қилинди⁵.

³ Черненко И. Проблема Арала и её решение // Проблемы освоение пустынь. – 1968. – № 1. – С. 15-16; Тлеуов Р. Меры нацеливающие на сохранение Аральского моря // Вестник ККФ АН УзССР. – Нукус, 1974. – № 2. – С. 38-46; Ковалев В. Араль должен жить // Советская Каракалпакия. 1977, 2, 5 апреля; Акромов З., Рафиков А. Жить Аралу // Советская Каракалпакия. 1978, 24 апреля.

⁴ Камалов С.К. Современное состояние, перспективы, изучение и публикации памятников истории и культуры Каракалпакской АССР // Проблемы Аральского моря и дельты Амударьи. – Ташкент: Фан, 1984; Шу муаллиф. Из истории развития Аральского кризиса // Вестник ККО АН РУз. – Нукус, 1990. – № 4; Бочин В. Топор и огонь в тугаях // Правда востока. 1986, 18 мая; Залетаев В., Аметов М. и др. Почему отступают леса? // Советская Каракалпакия. 1988, 20 мая ва б.

⁵ Социально-экономические проблемы охраны окружающей среды // Проблемы регионального природопользования в Узбекистане. – Ташкент: Фан, 1984; Хашимова И. Диалектика соотношения глобального и зонального в экологии. – Ташкент: Фан, 1986. – 122 с.; Юриц А.А. Восстановление экономического потенциала и проведение необходимых природоохранных мероприятий в дельте Амударьи. – Нукус, 1986. – 172 с.; Орешкин Д. Арал: беда воды, беда людей // Химия и жизнь. – 1989. – № 8. – С. 2-7; Зиёмухаммедов Б. Экология: тарих, назария и ҳозирги замон. – Тошкент: Мехнат, 1990. – 79 б.; Глазовский Н.Ф. Аральский кризис, причины возникновения и пути выхода. – М.: Наука, 1990. – 134 с.; Минашина Н.Г. Экологические последствия мелиоративно-водохозяйственного строительства в бассейне Аральского моря // Экологическая альтернатива. – М., 1990. – С. 322-348; Яншин А.Л., Мелуа А.И. Уроки экологических просчетов. – М.: Мысль, 1991. – 429 с.; Гаев А.Я., Самарина В.С. Наши следы в природе. – М.: Недра, 1991. – 151 с.; Ещанов Т.Б. Исчезнет море, исчезнет здоровье // Правда Востока. 1991, 24 мая ва б.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида изланишлар олиб борган тарихчи олимлардан А. Ҳазраткулов, О. Юлдашев, М. Ҳожиева, Р. Носиров, К. Насриддинов, Н. Обломуродов, Б. Сиддиқов, Д. Бобожонова ва бошқалар ўзларининг тадқиқотлари доирасида республикадаги айрим ижтимоий-экологик масалаларга ҳам тўхталиб ўтганлар⁶. Бу ишлар биринчи марта совет давридаги тадқиқот мавзусига тегишли муаммолар ва тарихий жараёнларнинг танқидий таҳлили билан ажралиб туради.

2000-йилларда бу мавзуга Н.А. Бабажанова, Х.Э. Юнусова, Ё.Ю. Розимова, Б.Н. Исоқов, А.Н. Абдуллаев каби тарихчиларнинг диссертация ишларида ҳам эътибор қаратилди⁷. Уларда ижтимоий-иқтисодий, демографик характердаги муаммолар қаторида Оролбўйида аҳоли саломатлигини таъминлаш ва экологик хавфни бартараф этиш билан боғлиқ алоҳида масалалар ҳам кўриб чиқилган. Умуман олганда мамлакатимиз тарихшунослиги у ёки бу даражада атроф-муҳит тарихи масалаларини кўтариб, янги поғонага олиб чиқди. Аммо махсус тадқиқотлар бўлмади.

Муаммо тарихшунослигида хорижлик мутахассисларнинг тадқиқот натижалари алоҳида ўрин тутди. Ф. Миклин, Ф. Прид, Б. Рихтер, М. Фейшбах, Э. Сиверс каби муаллифлар ўз тадқиқотларида⁸ Совет иттифоқидаги атроф-муҳит муаммоларини, Иттифокнинг барча ҳудудларида советлар даврида табиий ресурслардан нотўғри фойдаланиш оқибатида атроф-муҳит мувозанатининг издан чиққанлигини, Орол муаммосининг кескинлашиши ҳақида сўз юритишган. Айниқса, Ф. Миклин⁹ кейинги тадқиқот ишларида Орол муаммосининг келиб чиқиши, кейинги йилларда мазкур ҳудудда юз бераётган жараёнларни таҳлил қилар экан, Орол муаммоси бутун дунёга сабоқ бўлиши лозимлигини таъкидлайди.

Умуман олганда тарихшунослик таҳлили республикадаги экологик муаммолар асосан фрагментар тарзда, бошқа масалалар контекстида

⁶ Муаллифларнинг диссертация ва монографиялари фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

⁷ Бабажанова Н. Совет тоталитар сиёсатининг Ўзбекистон аҳолиси миллий таркиби шаклланишига таъсири (1941-1990 йй.): Тарих фан. ном. дисс. ... автореф. – Тошкент, 2008. – 26 б.; Юнусова Х.Э. Социально-экономические процессы и духовная жизнь Узбекистана в 80-х годах XX века.: Автореф. дисс. ... док. ист. наук. – Ташкент, 2009. – 46 с.; Розимова Ё.Ю. Ўзбекистонда урбанизация жараёнлари (Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси мисолида 1991 - 2007 йй.): Тарих фан. ном. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2010. – 30 б.; Исоқов Б.Н. Ўзбекистонда 80-йилларнинг иккинчи ярми – 2000 йиллардаги тарихий ўзгаришларнинг демографик жараёнларга таъсири.: Тарих фан. ном. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2010. – 27 б.; Абдуллаев А.Н. Хлопковая монокультура в Узбекистане и её последствия. (1917-1991 гг.): Автореф. дисс. ... док. ист. наук. – Ташкент, 2010. – 51 с.

⁸ Miklin P.Ph. The Water Management Crisis in Soviet Central Asia. 1989, June. – 106 p.; Philip R.Pride. Environmental Management in the Soviet Union. Cambridge University Press. June 28, 1991; Richter B.S. Nature Mastered by Man: Ideology and Water in the Soviet Union // Environment and History. February 1997. – Vol. 3, No1. – P. 69-96; Feshbach, Murray, and Alfred Friendly, Jr. Ecocide in the USSR: Health and Nature under Siege. – New York: Basic Books, 1992. – P. 73-90; Эрик Сиверс. Вода, конфликты и региональная безопасность в Центральной Азии (2012) // www.cawater-info.net/bk/water_law/pdf/sivers.pdf

⁹ Micklin Ph. The Aral Sea Crisis: Introduction to the Special Issue // Post-Soviet Geography. – 1992. – No. 5, May. – P. 269-82; The Aral Sea Disaster Philip Micklin in Annual Review of Earth and Planetary Sciences. – 2007. – Vol. 35. – P. 47-72; Миклин Ф., Аладин Н. Восстановление Аральского моря // В мире науки. – 2008. – №7; Micklin Ph. The past, present, and future Aral Sea // Lakes & Reservoirs: Research and Management. – 2010. – Vol. 15, No 3, September. – P. 193-213; Ўша муаллиф. The future Aral Sea: hope and despair // Environmental Earth Sciences. – 2016. – No75, May. – P. 1-15.

ёритилганлигини, ижтимоий-экологик жараёнларни алоҳида ўрганишга қаратилган тадқиқотларни амалга ошириш заруриятини кўрсатади. Бу танланган мавзунинг долзарблигини билдирилади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Урганч Давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасидан ўрин олган. Диссертациянинг айрим қоидалари ва хулосаларидан Глобал Экологик фонд (ГЭФ) / Кичик грантлар дастури (КГД)нинг «Амалий экология ва табиатдан барқарор фойдаланиш» янги ўқув дастурини Ўзбекистон олий ўқув юртларида татбиқ этиш» мавзусидаги илмий тадқиқот лойиҳаси доирасида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг мақсади XX аср иккинчи ярми – XXI аср бошида Ўзбекистондаги экологик вазият ва унинг келтириб чиқарган оқибатларини замонавий методологик ёндашувлар асосида ҳолисона ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

XX асрнинг иккинчи ярмида атроф-муҳит муаммосининг назарий-методологик масалалари, муаммонинг жаҳон тарихшунослигини, шу жумладан, Ўзбекистондаги ижтимоий-экологик масалаларнинг ўрганилишини таҳлил қилиш;

Ўзбекистондаги экологик ҳолатни совет даври иқтисодиёти контекстида тавсифлаш, совет ҳокимиятининг экологик муаммоларга ёндашувини таҳлил қилиш;

саноатлаштириш жараёнларининг Ўзбекистондаги ижтимоий-экологик аҳволга таъсири масалаларини таҳлил қилиш;

республика кишлоқ хўжалигини ихтисослаштирилиши, ер-сув ресурсларидан фойдаланиш муаммоларининг ўзига хос хусусиятларини очиқ бериш;

Ўзбекистондаги атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тизими, хусусан, Табиатни қўриқлаш жамияти фаолиятини ўрганиш;

носоғлом экологик муҳитнинг аҳоли саломатлиги ва турмуш даражасига таъсирини комплекс таҳлил қилиш;

мустақиллик йилларида Ўзбекистондаги экологик вазиятнинг асосий жиҳатларини тавсифлаш ҳамда экологик сиёсатнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари ва стратегик йўналишлари моҳиятини очиқ бериш;

Марказий Осиёда сувдан фойдаланишнинг трансчегаравий муаммоларини таҳлил қилиш;

Ўзбекистонда барқарор тараққиёт масалаларини тадқиқ қилиш ва ижтимоий-экологик жараёнларни яхшилаш юзасидан таклиф ва тавсиялар бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида XX аср иккинчи ярми – XXI аср бошида Ўзбекистондаги экологик вазият ва унинг ижтимоий муаммолари белгилаб олинди.

Тадқиқотнинг предметини ушбу хронологик даврда Ўзбекистоннинг иқтисодий жараёнлар контекстидаги атроф-муҳит тарихи, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, барқарор тараққиёт масалалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тарих фани методологияси асосида иккита тарихий даврда давлат ва жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий фаолиятининг Ўзбекистон экологиясига таъсирини ўрганиш, салбий тажрибалар (оқибатлар), шунингдек, экологик вазиятни яхшилаш бўйича ижобий ва мақсадли ҳаракат дастурларини таҳлил қилиш амалга оширилди.

Тадқиқот давомида географик детерминизм, муаммоли-хронологик, тузилмавий-тизимли, компаратив таҳлил, статистик қиёсий солиштириш усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

совет даврида ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш ва ривожлантиришнинг табиатдан фойдаланиш қонуниятларига асосланмаганлиги оқибатида республикада «табиат-аҳоли-халқ хўжалиги» тизими мувозанати издан чиққанлиги очиб берилган;

маъмурий-буйруқбозлик тизими шароитида ижтимоий экология масалаларининг назардан четда қолганлиги аҳоли саломатлиги ва ижтимоий турмуш даражасининг пасайишига, аҳоли генофондини хавф остида қолишига олиб келганлиги исботлаб берилган;

Ўзбекистон Республикасидаги экологик хавфларнинг глобал, минтақавий, миллий ва маҳаллий хусусиятлари иқлим ўзгариши, Орол ва Оролбўйи муаммолари, атроф-муҳит ва табиий ресурслардан фойдаланишнинг ташқи (трансчегаравий) ва ички муаммолари орқали кўрсатиб берилган;

мустақиллик йилларида соҳада трансформацион жараёнларга олиб келган экологик сиёсатнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари ва стратегик йўналишларининг моҳияти тизимли равишда очиб берилган;

мамлакатда барқарор тараққиёт тамойиллари асосида иқтисодий, ижтимоий ва экологик вазифаларнинг уйғунлашуви экологик хавф даражаси юқори бўлган ҳудудлардаги экотизимларнинг барқарорлашишига, аҳоли саломатлиги ва турмуши учун қулай шароитлар яратилишига хизмат қилганлиги асослаб берилган, аҳоли ва унинг эҳтиёжлари тез суръатларда ўсиши шароитида барқарор тараққиёт асосларини мустаҳкамлашнинг истиқболдаги вазифалари кўрсатиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқот натижалари республикадаги экологик вазиятни соғломлаштириш бўйича давлат дастурларини амалга ошириш, хусусан Давлат экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси фаолиятида фойдаланилган;

тадқиқотнинг фанлараро хусусияти мавзунинг аҳамиятини белгилаб берди;

мазкур тадқиқот орқали тарихий услубларнинг асосий тамойилларини экологик-иқтисодий тадқиқотлар меъёрлари билан уйғунлаштириш асосида янги методология ишлаб чиқилган;

тадқиқотнинг илмий натижалари асосида барқарор тараққиёт тамойилларини таълим жараёнига интеграциялаш мақсадида ўқув дастурлари ишлаб чиқилган, ўқув адабиётлари ва монографиялар нашр этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, кўп турдаги тарихий адабиётлардан фойдаланилгани, бирламчи манбаларга асослангани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Ишдаги таҳлилий маълумотлар, чиқарилган назарий умумлашма ва якуний хулосалар XX асрнинг ўрталаридан бугунги кунгача бўлган даврда Ўзбекистондаги экологик вазият ва унинг ижтимоий муаммолари билан боғлиқ масалаларни ўрганиш орқали Ўзбекистон тарихининг аспектларини бойитишга ёрдам беради. Шунингдек, диссертация иши натижаларидан республика олий ўқув юртлари талабалари учун махсус курслар бўйича ўқув дастурлари ва қўлланмалар, дарслик ва монографиялар яратишда фойдаланиш мумкин.

Республикада атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва барқарор тараққиёт асосларини мустаҳкамлаш, аҳолининг экологик маданиятини оширишга доир масалаларни ҳал этиш жараёнида тадқиқотда берилган хулосалар, таклиф ва тавсиялар ёрдамчи материал бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. XX аср иккинчи ярми – XXI аср бошида Ўзбекистондаги экологик вазият ва унинг ижтимоий муаммоларига оид ишлаб чиқилган илмий хулосалар ва таклифлар асосида:

совет даврида хомашёвий характер касб этган ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши оқибатида юзага келган ижтимоий-иқтисодий ва экологик муаммолар тўғрисидаги маълумотлардан «Барқарор тараққиёт ва табиатдан фойдаланиш асослари» дарслигини яратишда фойдаланилган. Мазкур дарслик олий ўқув юртларининг барча таълим йўналишлари учун тавсия этилган (25.08.2016 й., 335-060-сон гувоҳнома). Бу «Барқарор ривожланиш мақсадларида таълим бўйича Ўзбекистон Республикаси Концепцияси» вазифаларидан келиб чиққан ҳолда барқарор тараққиёт тамойилларини таълим жараёнига интеграциялашда муҳим манба сифатида хизмат қилган;

совет тузумининг республикадаги экологик-иқтисодий ҳолатга нотўғри ёндашуви оқибатида шаклланган ижтимоий-экологик муаммолар ҳақидаги маълумотлар Хоразм Маъмун академияси қошидаги «Хоразм тарихи ва маданияти» доимий экспозициясининг «Совет даври бўлими»даги «Пахта яккахокимлиги сиёсатининг оқибатлари ва экология инқироzi» бурчагини қайта шакллантириш ва маълумотлар билан бойитишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2017 йил 25 декабрдаги

3/1255-2663-сон маълумотномаси). Бу маълумотлар республиканинг совет даври тарихини янада чуқурроқ англашга ёрдам беради;

Ўзбекистондаги экологик хавфсизлик ва унга таҳдид солувчи глобал, минтақавий ва миллий омиллар таҳлилидан олинган натижалар «Амалий экология ва табиатдан барқарор фойдаланиш» янги ўқув дастурини Ўзбекистон олий ўқув юртларида татбиқ этиш» мавзусидаги ГЭФ/КГД илмий тадқиқот лойиҳасини амалга оширишда фойдаланилган (Глобал экологик фонд Кичик грантлар дастурининг Ўзбекистондаги миллий координаторининг 2016 йил 20 майдаги SGP/OL/016/008-сон маълумотномаси). Бу барқарор тараққиёт масалалари бўйича олий ўқув юртлари педагоглари учун тренинг материалларини яратишга хисса қўшган;

мустақиллик йилларидаги экологик хавфсизликни таъминлашга йўналтирилган трансформацион жараёнлар ҳақидаги илмий хулосалар Хоразм вилоятидаги ҳудудий дастурни амалга оширишда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2017 йил 30 мартдаги РФ-02/10-2102-сон маълумотномаси). Бу аҳоли орасида табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига йўналтирилган тарғибот-ташвиқотлар доирасида қўлланма ва тарқатма материалларини яратиш, телекўрсатувлар, давра суҳбатлари ва экологик акциялар ташкил этишга хизмат қилган;

тадқиқотда келтирилган сув ва ер ресурсларидан фойдаланиш бўйича материаллардан «Хоразм вилоятида ер ва сувдан фойдаланишнинг иқтисодий ва экологик қайта куриш» мавзусидаги ЗЕФ/ЮНЕСКО халқаро илмий тадқиқот лойиҳаси доирасида электрон маълумотлар базасини яратиш ҳамда илмий мақола ва қўлланмаларни чоп қилишда фойдаланилган. (ЗЕФ/ЮНЕСКО халқаро лойиҳаси миллий координаторининг 2011 йил 10 декабрдаги № 372/2011-сон маълумотномаси). Бу Ўзбекистоннинг шимолий ҳудудида аҳолининг турли қатламлари, хусусан ёшларнинг экологик билимларини оширишга хизмат қилган;

табiiй ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича илмий хулосалардан KRASS – Хоразм Агро-маслаҳат маркази томонидан иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарадорли фойдаланишда инновацияларни тақдим қилиш, қишлоқ аҳолисининг яшаш шароитини яхшилашга йўналтирилган лойиҳаларни амалга оширишда, хусусан, БМТнинг «Орол фожиасидан зарар кўрган аҳоли турмуш тарзини яхшилаш» қўшма лойиҳаси доирасида амалий семинар-тренингларни ташкил этишда фойдаланилган. (KRASS марказининг 2016 йил 9 июндаги №38/2016-сон далолатномаси). Бу Қуйи Амударё ҳудудида аҳолининг турли қатламлари орасида эконоацияларни оммалаштиришга хисса қўшган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 20 та илмий анжуман ва семинарларда, шу жумладан 5 та халқаро конференция: «Экологическое образования и устойчивое развитие» (Нукус, 2004); «Устойчивое развитие Южного Приаралья» (Нукус, 2011); «История и

археология». (Пермь, 2014) «Contemporary Tendencies and Ways to Improve Science and Practice» (Лондон, 2015); «Education and science for sustainable development» (Тошкент, 2016) ва 15 та республика илмий-амалий конференция ва семинарларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши Диссертация мавзуси бўйича жами 48 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 2 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 22 та мақола, жумладан, 17 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертация ҳажми ва тузилиши. Тадқиқот кириш, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 255 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган.

«Атроф-муҳит муаммосининг назарий-методологик масалалари ва тарихшунослиги» деб аталувчи биринчи бобда XX аср иккинчи ярми - XXI аср бошида атроф-муҳит муаммосининг назарий-методологик масалалари, муаммонинг жаҳон тарихшунослиги ҳамда Ўзбекистондаги ижтимоий-экологик масалаларнинг ўрганилиши таҳлил қилинган.

Мазкур бобда дунёда XX аср иккинчи ярмида кучайган атроф-муҳит муҳофазаси ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш интеграцияси - 1960 - 1970-йилларда экологик муаммоларни глобал миқёсда англашнинг бошланиши, 1980 - 1990-йилларда «Барқарор тараққиёт йўлида»ги жараёнлар, 2000-йилларда «XXI аср кун тартиби»да белгиланган вазифаларни амалга оширилиши, 2010-йилларда барқарор тараққиётнинг янги мақсадлари шаклланиш жараёнлари контекстида ёритиб берилган.

1960 – 1970 - йилларда табиий мувозанатни издан чиқаришнинг кескин ҳолатига жавобан Ўсиш чегараси ва органик ривожланиш концепцияси шаклланди. Концепцияда «агар дунёда аҳоли сони ўсиш тенденциялари, саноатлаштириш, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва ресурслардан аёвсиз фойдаланиш тенденциялари сақланиб қоладиган бўлса, яқин 100 йиллик ичидаёқ сайёрамиздаги «ўсиш чегаралари»га эришилади», деган хулоса илгари сурилди¹⁰.

XX асрнинг 70-йиллари иккинчи ярмидан бошлаб, инсон ва атроф-муҳит ўртасидаги ўзаро муносабатларда янги ёндашувларни шакллантириш мақсадида кўплаб таниқли олимлар ўз саъй-ҳаракатларини бирлаштирдилар.

¹⁰ Meadows D. et. al. The Limits to Growth. A Report for the Club of Rome's Project on Predicament of Mankind. – N.Y., 1975. – P. 29; Медоуз Д.Х., Медоуз Д.Л., Рандерс Й. За пределами роста. – М., 1994. – С. 13.

Бу борада амалга оширилган ишлар натижасида Барқарор тараққиёт концепцияси шакллантирилди. 1983 йилда БМТ Котибининг ташаббуси билан тузилган Атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича халқаро комиссияси 1987 йилда «Бизнинг умумий келажагимиз» деб номланган маърузани эълон қилди¹¹. Ушбу ҳужжат глобал экологик сиёсатнинг асосий йўналишларини белгилаб берди.

2000 йилнинг 6 - 8 сентябрь кунлари Нью-Йорк шаҳрида БМТнинг Минг йиллик саммити бўлиб ўтди ва унда «Минг йиллик Декларацияси» қабул қилинди. Минг йиллик ривожланиш мақсадлари (МРМ) халқаро ҳамжамият ва миллий ҳукуматларнинг бу борадаги фаолиятини бирлаштириш имконини берди. БМТ Бош ассамблеясининг 2015 йил 25 сентябрдаги 70-сессиясида қабул қилинган Резолюция асосида МРМ ўрнига келган ҳаракатлар режаси - Барқарор тараққиёт мақсадлари (БТМ) кейинги ўн беш йилга кун тартибини белгилаб берди¹².

Диссертацияда глобал экологик инқироз шароитида инсоният ҳўжалик фаолиятининг атроф-муҳитга таъсирининг оқибатларини ўрганиш тарих фанининг ҳам асосий вазифаларидан бирига айланганлиги қайд этилади. XX асрнинг иккинчи ярмида сайёрамиздаги экологик муаммоларнинг кескинлашиши, 1960-йиллардан бошлаб тарих фанининг табиий фанлар билан ўзаро таъсирининг фаоллашишига туртки берди. Бу ҳамкорликлар ўз навбатида атроф-муҳит тарихи билан шуғулланувчи қатор илмий жамиятлар(ASEN, ESEN)нинг шаклланишида ўз аксини топди. 2005 йил Сидней шаҳрида бўлиб ўтган XX - бутун дунё тарихчилар конгрессида¹³ «Тарихда инсон ва табиатнинг ўзаро таъсири» мавзуси - тарихчилар томонидан муҳокама қилинадиган энг асосий муаммолар таркибига киритилди.

XXI аср бўсағасида экология тарихчиларидан Б. Лейбхард, К.Х. Лейвис, В. Кронон, А.В. Кросби, А.Р. Мейн, М. Редклиф, М. Рангаражан, С. Равви Ражан, Д. Ворстер ва бошқаларнинг ишларида тарихий тадқиқотлар янги йўналишининг методологик асослари ривожлантирилди¹⁴. МДХ давлатларида XX асрнинг охирига келиб, тарихчилар томонидан экологик муаммоларни тадқиқ этишга қаратилган қатор изланишлар амалга оширила бошлади. Хусусан, 1990-йиллардан бошлаб россиялик тарихчилардан В. Евланов, Г. Провадкин, А. Гаспарян, А. Шмыглёва, С. Шинаев, Г. Михайлов,

¹¹ World Comission on Environment and Development. Our common future. Oxford University Press, Oxford, 1987.

¹² Sustainable Development Goals (www.sustainabledevelopment.un.org/sdgs)

¹³ International Congress for the Historical Sciences Education. <http://www.cishsydney2005.org>.

¹⁴ Leibhardt B. Interpretation and Causal Analysis: Theories in Environmental History // Environmental History Review. Vol.12. n.1 (Winter 1988). – P. 23-36; Lewis C.H. Telling Stories About the Future: Environmental History and Apocalyptic Science // Environmental History Review Vol.17 (Fall 1993); Cronon W. The Uses of Environmental History // Environmental History Review. Fall 1993. – Vol. 17. – P. 1-22; Crosby A.W. The Past and Present of Environmental History // American Historical Review. – October 1995. – Vol. 100. n.4. – P. 1177-1190; Redclift M. In Our Own Image: The Environment and History Society as Global Discourse // Environment and History. February 1995. – Vol. 1. n.1, – P. 111-124; Worster D. The Two Cultures Revisited: Environmental History and the Environmental Sciences // Environment and History. February 1996. – Vol.2. n.1. – P. 3-14; Main A.R. Ghosts of the Past: Where does History Begin? // Environment and History. February 1996. – Vol. 2. N. 1. – P. 97-114; Rangarajan M. Environmental History of South Asia: A Review Essay // Environment and History. June 1996. – Vol.2. n. 2. – P. 129-144; Ravi Rajan S. The Ends of Environmental History: Some Questions // Environment and History. June 1997. – Vol. 3. n. 2. – P. 245-254.

Н. Артемов, А. Калимуллин, С. Гайдин, О. Красильникова ва бошқалар¹⁵ Совет Иттифоқи даври экологик муаммолари билан боғлиқ масалалар устида иш олиб боришган.

Мазкур бобда республикадаги ижтимоий-экологик жараёнларни ўрганишга бағишланган ишларга ҳам шарҳ берилган. Муаммонинг тарихшунослиги республикадаги экологик вазиятнинг мураккаблашиш даври билан боғлиқ ҳолда ривожланиб борди. 1980-йиллар иккинчи ярмидан, айниқса мамлакатнинг давлат мустақиллигини қўлга киритилиши натижасида экологик муаммоларнинг кенг жамоатчиликдан сир сақлаш жараёнига барҳам берилишидан бошлаб муаммони ўрганилиш даражаси янги босқичга кўтарилди. Бу даврдаги ишларда экологик вазиятнинг минтакавий муаммолари, унинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, географик, фалсафий, маънавий-тарбиявий ва бошқа жихатлари тадқиқ этилган¹⁶. Бу борада мустақиллик йилларида турли соҳа мутахассислари томонидан яратилган нашрлар¹⁷ муҳим рол ўйнайди.

¹⁵ Евланов В.В. Экологическая проблема в СССР. Поиск путей её решения (50-е – первая половина 80-х годов): Дисс. ... док. ист. наук. – М., 1993. – 369 с.; Провадкин Г.Г. Социальная экология: Историография проблемы (50-80-е гг. XX века): Дисс. ... док. ист. наук. – М., 1999. – 589 с.; Гаспарян А.С. Социальные аспекты экологической политики в РФ (1986-1997): Историко-социологический анализ: Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – М., 1997. – 24 с.; Шмыглёва А.В. Экологическая политика в Западной Сибири, 1970 – 1990-е гг.: Дисс. ... канд. ист. наук. – Томск, 2003. – 230 с.; Михайлов Г.А. Государственная природоохранная политика и экологическое движение в СССР и Российской Федерации в 1953-2003 гг.: Дисс. ... канд. ист. наук. – М., 2004. – 189 с.; Артемов Н.Н. Исторический опыт государственной политики СССР в сфере природопользования и охраны окружающей среды (1960-1980-е гг.): Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – М., 2005. – 24 с.; Калимуллин А.М. Историко-экологический опыт индустриального развития во второй половине XX века (по материалам Среднего Поволжья): Автореф. дисс. ... док. ист. наук. – Казань, 2006. – 41 с.; Гайдин С.Т. Развитие природопользования в Восточной Сибири (1946-1991 гг.): Автореф. дисс. ... док. ист. наук. – Кемерово, 2009. – 66 с.; Красильникова О.К. Государственная экологическая политика и общественные инициативы в сфере охраны окружающей природной среды в Российской Федерации (1985-1999 гг.): Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – М., 2010. – 23 с.

¹⁶ Отабоев Ш.Т., Набиев М.Н. Инсон ва биосфера. – Тошкент: Медицина, 1984. – 223 б.; Ковалев Ю.С., Калабугин Л.А. Тайна родников. – Ташкент: Мехнат, 1986. – 223 с.; Зиёдуллаев С.К. Региональные проблемы экономики Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1986. – 239 с.; Шадиметов Ю.Ш. Охрана окружающей среды – важнейший фактор укрепления здоровья. – Ташкент: Узбекистан, 1986. – 40 с.; Алиев М.М. Табиат ва тақдиримиз. – Тошкент: Медицина, 1989. – 151 б.; Сайдаминов С. Основы охраны окружающей среды при эксплуатации мобильного транспорта. – Ташкент: Укитувчи, 1989. – 303 с.; Турдикулов Э.А. Экологическое образование и воспитание учащихся в процессе обучения физике: кн. для учителя. – М.: Просвещение, 1988. – 124 с.; Ғуломов П. Инсон ва табиат. Тошкент: Ўқитувчи, 1990. – 92 б.; Зиёмухаммедов Б. Экология: тарих, назария ва ҳозирги замон. – Тошкент: Мехнат, 1990. – 79 б.; Мамашакиров С. Урбанизированная экология или экологизированная урбанизация. – Ташкент: Фан, 1991. – 157 с. ва б.

¹⁷ Шодиметов Ю. Ижтимоий экологияга кириш: Оўюлари учун дарслик. К.1. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. – 240 б.; Тўхтаев А., Хамидов А. Экология асослари ва табиатни муҳофаза қилиш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994; Бобожонова Д. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Шарқ, 1999. – 160 б.; Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликлари талаш сиёсати: тарих шохидлиги ва сабоқлари. (1865-1990 йй). – Тошкент: Шарқ, 2001. – 144 б.; Холмўминов Ж. Экология ва конун. – Тошкент: Адолат, 2000. – 352 б.; Рўзметов Б. Барқарор ривожланиш. – Урганч: Хоразм, 2003. – 136 б.; Субанов Т.Д., Додобаев Ю.Т. Экология и безопасность жизнедеятельности (Уч. пособие). – Ташкент, 2003. – 236 с.; Нигматов А.Н., Шивалдова А.Н., Султанов Р.Н. Экологические аспекты в концепции устойчивого развития. – Ташкент: ТДЮИ, 2003. – 278 с.; Нигматов А. Ўзбекистон Республикасининг экология ҳуқуқи. – Тошкент: Ғофир Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2003. – 304 б.; Ўзбекистонда Минг йиллик ривожланиш мақсадлари. – Тошкент: ТДЮИ, 2004. – 148 б.; Турсунов Х.Т., Рахимов Т. У. Экология. – Тошкент: Чинор ЭНК, 2006. – 376 б.; Холмўминов Ж. Сув ресурсларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг экологик-ҳуқуқий ҳолати. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2008. – 48 б.; Мамашакиров С., Усмонов Э. Барқарор тараққиётнинг экологик ҳавфсизлик масалалари. – Тошкент: Фан, 2009. – 247 б.; Эгамбердиев Р. Экология: дарслик. – Тошкент: Ношир, 2010. – 272 б.; Рахимов М. Международное сотрудничество Узбекистана в контексте обеспечения стабильности и устойчивого развития в Центральной Азии. – Ташкент: Yangi nashr, 2011. – 232 с. ва б.

Мазкур ишлар нафақат Ўзбекистонда, балки бутун минтақадаги экологик вазиятни танқидий ва объектив тарзда ўрганишга асосланганлиги сабабли, муаммонинг амалий ечимлари учун муҳим маълумотларни бериши билан ажралиб туради. Хорижда чоп қилинган қатор илмий ишларда¹⁸ бугунги кунда Ўзбекистондаги экологик муаммоларнинг айрим жиҳатлари, минтақада ер ва сув ресурсларидан фойдаланишга оид таҳлилий материаллар муҳим аҳамиятга эга. Бошқа тадқиқотларда муаллифлар аграр соҳадаги изланиш натижаларини экологик масалалар билан уйғунликда таҳлил этишган¹⁹.

Тадқиқотнинг «Совет тузуми даврида Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг экологик жиҳатлари» деб аталувчи иккинчи боби Совет ҳукуматининг Ўзбекистонга нисбатан ўтказган иқтисодий сиёсатининг моҳиятини очиб бериш, республикадаги саноатлаштириш жараёнларининг ижтимоий-экологик муаммолари, қишлоқ хўжалигини ихтисослаштирилиши ҳамда ер-сув ресурсларидан фойдаланиш муаммосининг кескинлашуви масалаларини таҳлил қилишга бағишланган.

Маълумки, Совет ҳукуматининг марказлашган маъмурий-буйруқбозлик тизими хомашё тузилмаси сифатидаги республикаларни ривожлантиришга йўналтирилган халқ хўжалигининг нуқсонли, бир томонлама тизимини шакллантириш имконини яратди. Ҳар йили 5 - 6 млн. тонна пахта ҳосили етиштирган Ўзбекистон корхоналарининг ўзида бор-йўғи 150 минг тонна пахта толаси қайта ишланди. Совет ҳокимиятининг иқтисодий сиёсати марказида бўлган пахта яккахокимлиги оқибатида қишлоқ хўжалигидаги бошқа ҳаётий зарур тармоқлар азият чекди.

¹⁸ Richard Pomfret and Kathryn H. Anderson. Uzbekistan: Welfare impact of slow transition. Centre for international. Economic studies. University of Adelaide. November, 1997; Beatrice Mosello. Water in Central Asia: A Prospect of conflict or cooperation? – P. 152; The Ecological Damage Inflicted on Central Asia by Russian Rule by Walter S., Zapotoczny Jr. <http://www.wzaponline.com>; Richard Pomfret. Central Asia after Two Decades of Independence // Working Paper No. 2010, 53 (May). – 26 p.; Martius, C. (et al.) Cotton, water, salts and soums - economic and ecological restructuring in Khorezm, Uzbekistan. Edition 2012, Springer. – 419 p.; John P.A. Lamers (et al.) Restructuring land allocation, water use and agricultural value chains. Technologies, policies and practices for the lower Amudarya region. Edition 2015, Bonn University Press at V&R unipress. – 388 p.

¹⁹ Diuk N., Karatnycky A. New nations rising: the fall of the Soviets and the challenge of independence. – NY, 1993. – 292 p.; Griffin K. Social policy and economic transformation in Uzbekistan. – Geneva: UNDP: intern. Labour office, 1995. – P. 172; Thurman J. M. The «command-administrative system» in cotton farming in Uzbekistan 1920s to present. – Bloomington, Indiana. 1999. – P. 48; Spoor M. Agrarian Restructuring and Trends in Rural Inequalities in Central Asia: A Socio-Statistical Survey. – Geneva: UNRISD, 2004. – 56 p.; Spoor M. Transition to Market Economies in former Soviet Central Asia: Dependency, Cotton and Water // The European Journal of development Research. – 1993. – № 5 (2). – P. 142-158; Spoor M. Cotton in Central Asia... // The Cotton Sector in Central Asia. Economic Policy and Development Challenges. Proceeding of a held at SOAS. University of London. 3-4 November, 2005. – London, 2007. – P. 54-74; Kandiyoti D. Agrarian Reform, Gender and Land Rights in Uzbekistan. Social Policy and Development Programmer Paper Number. 11 June, 2002. – 79 p.; Kandiyoti D. Post-Soviet Institutional Design, NGOs and Rural Livelihoods in Uzbekistan. – Geneva: UNRISD, 2004. – 36 p.; Deniz Kandiyoti. Introduction // The Cotton Sector in Central Asia. Economic Policy and Development Challenges. Proceeding of a held at SOAS. ... – P. 2-11; J. Otto Pohl. A Caste of Helot Laborers: Special Settlers and the Cultivation of Cotton in Soviet Central Asia: 1954-1956 // The Cotton Sector in Central Asia. Economic Policy and Development Challenges. Proceeding of a held at SOAS. ... – P. 12-28; John Baffes. Cotton-Dependent Countries in the Global Context // The Cotton Sector in Central Asia. Economic Policy and Development Challenges. Proceeding of a held at SOAS. ... – P. 29-53; Veldwisch G.J. and Spoor M. Contesting Rural Resources: Emerging 'Forms' of Agrarian Production in Uzbekistan // Journal of Peasant Studies. – 2008. – № 35 (3). – P. 424-451.

Ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш ва уларни ривожлантиришни режалаштириш дастурлари ва ислохотларига доир масалалар Иттифок марказий идоралари томонидан объектив иқтисодий қонунларга, табиатдан фойдаланиш қонуниятларига асосланмаган, республика манфаатларини эътиборга олмаган ҳолда ишлаб чиқилди.

Хатто, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш, янги корхоналарни қуриш, янги ерларни ўзлаштириш каби ижобий уринишларда ҳам ҳудудларнинг «метеорологик» ва «топографик» хусусиятлари, меҳнат ва хомашё ресурслари ҳисобга олинмади. Бунда ишлаб чиқаришга илғор технологияларни жорий этиш, ижтимоий соҳадаги инфратузилмаларни шакллантиришга етарли эътибор берилмади²⁰. Бу эса ижтимоий-иқтисодий ва экологик кескинликни кучайтириб юборди.

СССР Давлат режа қўмитаси ҳузуридаги ишлаб чиқарувчи кучларни ўрганиш бўйича Кенгаш томонидан 1983 йилда ишлаб чиқилган «2000 йилга қадар бўлган даврда СССР ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг Бош схемаси»да «...келажакда сув ресурслари тараққиётнинг муҳим омилига айланиши, кўзланаётган даврда атроф-муҳитга антропоген ва ишлаб чиқаришнинг оғир юки янада ортиши» кўрсатиб ўтилган. Жумладан, ушбу ҳужжатда 1990-йилларда Марказий Осиёда сув ресурсларидан фойдаланиш ҳолати ҳам оғирлашиши қайд қилиб ўтилади²¹. Шунга қарамасдан, 1960-йиллардан бошланган сув ресурсларидан фойдаланишга ҳаддан ташқари зўр берилиши Амударё ва Сирдарё сув ресурсларининг камайишига ва охир оқибат энг катта экологик муаммолардан бири – Орол фожиясининг келиб чиқишига сабаб бўлди.

Қайта қуриш йилларига келиб, жамоатчиликнинг Орол муаммосини ечишни талаб қилгани марказнинг маълум маънода зарур чораларни кўришга мажбур қилди. 1985 йилда СССР Фан ва техника давлат қўмитаси қошидаги атроф-муҳит ва табиий ресурслардан тўғри фойдаланиш муаммолари бўйича идоралараро кенгаш денгиз сатҳи ўзгаришининг унинг атрофидаги ҳудудлар экологияси ва иқтисодиётига кўрсатадиган салбий таъсирини баҳолаш учун махсус комиссия ташкил этди²². 1986 йил 17 мартда КПСС МҚ ва Министрлар Совети 340-сонли Қарорни қабул қилди²³. Унинг мақсади Оролбўйидаги аҳолини ичимлик суви билан таъминлашга қаратилган эди. Ўша даврдан Туямўйиндан то Тахтакўпир ва Қўнғиротгача катта сув қувурлари қурилиши бошланди.

КПСС МҚ ва Министрлар Советининг иккинчи қарори 1988 йил 19 сентябрда қабул қилинди²⁴. Унда Оролбўйидаги экологик ва санитария ҳолатини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар белгиланди. Амударёнинг ўнг ва чап қирғоқларига оқава сувлар учун мўлжалланган коллекторлар

²⁰ Бобожонова Д. Ўзбекистонда демографик жараёнлар ва уларнинг хусусияти. – Тошкент: Фан, 1995. – Б. 55.

²¹ РГАНИ, ф. 89, оп. 41, д. 2, л. 5.

²² Акромов Э. Экология ва Орол денгизи экономикаси // Ўзбекистон коммунисти. – 1989. – № 10. – Б. 84-85.

²³ Камалов С.К. Социально-экономическое положение Каракалпакстана и Аральская катастрофа. ... – С. 7.

²⁴ Постановление ЦК КПСС и СМ СССР от 19 сентября 1988 г. № 1110. <http://pravo.levonevsky.org>.

қазиш режалаштирилди. Аммо бу қарорлар ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ҳеч қандай сезиларли ўзгаришларни келтирмади. Орол фожиаси ҳудудга катта талафот етказишида давом этди. Мутахассислар фикрига кўра, 1990 йилгача кўрилган зарар 45 млрд. сўмни ташкил қилди²⁵. Орол денгизи муаммосини ечиш учун зарур бўлган пул воситалари миқдори эса 100 – 110 млрд. сўмни ташкил қилди²⁶. Албатта, бундай маблағларни ажратиш ишлари амалга ошмади. Аҳоли моддий зарардан ташқари маънавий зарар ҳам кўрди.

Диссертацияда ўрганилаётган даврда республика саноат соҳасидаги ўзгаришлар, унинг экологик жиҳатлари ҳам таҳлил этилган. Марказнинг 1950 – 80 - йилларда Ўзбекистонга нисбатан ўтказган иқтисодий сиёсатининг дастлабки босқичларида асосий диққат эътибор қишлоқ хўжалигини хомашё базасига айлантириш бўлса, кейинчалик тегишли моддий техникавий шарт-шароитлар яратилгандан кейин қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан бир каторда, республикадаги табиий фойдали қазилмаларни ўзлаштириш авж олди.

Саноатлаштириш жараёнларининг экстенсив ёндашувлар асосида юз бериши, ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви халқ хўжалигининг таркибий тузилишига салбий таъсир қилди. Республика саноат ишлаб чиқаришининг ривожланиши асосан пахта тозалаш, ёқилғи саноати, қора ва рангли металлургиянинг хомашё ва ресурс тармоқлари ҳисобига таъминланди. Ҳаттоки, гидростанция ва иссиқлик станцияларини қуриш, умуман электр энергияси билан таъминлаш ҳам айнан пахтачилик бўйича берилган топшириқларни бажариш учун хизмат қилди²⁷.

Ишлаб чиқаришнинг ўсиши билан боғлиқ равишда узок давр мобайнида атроф-муҳитни ифлослантирувчи моддалар ҳажми жуда юқори суръатлар билан кўпайиб борди. Саноат тизими тармоқлари ичида айниқса, кимё, нефть-газ, кўмир, микробиология, қора ва рангли металлургия соҳаларининг атроф-муҳитга зарари кўпроқ бўлди.

Сув танқислашиб, меҳнат захиралари тез суръатлар билан ўсаётган бир шароитда кимё саноатининг сувни кўп истеъмол қилиб, кам меҳнат талаб этадиган айрим тармоқлари ҳиссасини кўпайтирилиши кўп қийинчиликларни келтириб чиқарди. 1940 йилдан 1985 йилгача республикада кимё маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган 20 та саноат корхонаси фаолият юритди. Шу тариқа қишлоқ хўжалигининг минерал ўғитларга бўлган эҳтиёжи қондирилиб, ҳатто қўшни давлатларга ҳам минерал ўғитлар ва кимёвий препаратлар етказиб берила бошланди. Жумладан, 1970-йилларнинг охирида республикада минерал ўғитлар ишлаб чиқариш 2 млн. тоннадан зиёд кўпайди ёки ҳар куни 16 минг тонна минерал ўғит ишлаб чиқарилди²⁸. Аммо бу соҳанинг ривожлантиришга катта талабларнинг қўйилиши ўз навбатида экологик муаммоларнинг кескинлашишига таъсир кўрсатди. Жумладан,

²⁵ Глазовский Н.Ф. Аральский кризис, причины возникновения и пути выхода. – М.: Наука, 1990. – С. 46.

²⁶ Основные положения концепции преодоления Аральского кризиса. – М., 1990. – С. 23.

²⁷ РГАЭ, ф. 4372, оп. 7, д. 590, л. 173.

²⁸ Пардаев Т. Меъёрида бўлгани яхши // Фан ва турмуш. – Тошкент, 1998. – № 5. – Б. 23.

1990-йиллар арафасида республикада атмосферага йилига 130 минг тонна захарли моддалар айнан кимёвий заводлар томонидан чиқарилган²⁹. Бу атмосферага чиқарилган барча зарарли чиқиндиларнинг 20 фоизини ташкил этарди.

Умуман олганда 1980-йилларда Ўзбекистонда фаолият кўрсатган саноат корхоналарининг 29 %игина экологик меъёрларга жавоб берарди. 20 %га яқин корхоналар эса энг зарарли корхоналар тоифасига кирган. Уларнинг кўпчилиги айнан аҳоли зич жойлашган ҳудудларга жойлаштирилган эди.

Бу даврда бутун республикада мураккаб демографик вазият эътиборга олинмасдан, аҳолининг ўсиши саноат ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида иш жойларини кўпайтириш, аҳолининг ҳаёт таъминоти учун зарур шарт-шароитларни яратиш билан мустаҳкамлаб борилмади. Бу эса ижтимоий меҳнат унумдорлиги ва аҳоли даромадларининг камайишига, ишсизликнинг кўпайиши, аҳоли турмуш даражасининг пасайишига олиб келди.

Ўрганилаётган даврда Совет Иттифоқи ва Шарқий Европа давлатларининг эҳтиёжларини қондириш учун тез суръатларда пахтачилик ривожлантириб борилди. Пахтазорлар аста-секин экин майдонларидан бошқа экинларни сиқиб чиқара бошлади. Пахтачиликни муттасил ривожлантириб борилиши натижаси фарқли ўлароқ, 1946 – 1985 йиллар давомида пахта ҳосили 5,5 баравар ортгани ҳолда, чигит экилган майдонлар 841 минг гектардан 1989,8 минг гектарга кўпайди³⁰. 1980-йиллар ўрталарига келиб, қишлоқ хўжалигидаги экин майдонларида пахтанинг салмоғи 75 %дан, айрим вилоятларда ундан ҳам ошиб кетди. Оқибатда полиз экинлари, боғзорлар, яйловлар майдони кескин камайди.

Иттифоқ марказининг айнан халқ хўжалигини юритишга экстенсив усулда ёндашуви ер-сув ресурсларидан фойдаланиш билан боғлиқ турли муаммолар тўпланишига сабаб бўлди. Ерларнинг шамол ва сув эрозиясига учраши, ер майдонларининг шўрланиши, мустаҳкам ҳимоя тизимини ташкил этган ўрмонзорларнинг йўқотилиши антропоген таъсир остида рўй берди. Экологик вазиятнинг кескинлашишига қишлоқ хўжалигини кимёлаштириш жараёни ҳам ўз ҳиссасини қўшди.

1980-йилларнинг охиридан бошлаб, мазкур муаммоларни ечиш йўлида айрим ижобий ўзгаришлар юз бера бошлади. 1989 йил 17 августда И.А.Каримов бошчилигида республика ҳукуматининг Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилишида аҳолига шахсий томорқа ва участкалар ажратиш бўйича алоҳида қарор қабул қилинди. Натижада 1989 – 1990 йилларда 1,5 миллиондан кўпроқ оиланинг томорқа участкалари кенгайтирилган бўлса, 700 минг оилага янги томорқа ерлари берилди³¹. Томорқа хўжалиги майдони ўсиши, унинг аграр сиёсатдаги устувор йўналишлардан бирига айланиши қишлоқ хўжалигида туб ўзгаришларга шароит яратиб

²⁹ Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (Кейинчалик – ДЭҚЖА). Протокол № 4 от 28 мая 1990 г.

³⁰ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1985 г... – С. 103.

³¹ Каримов И. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – Б. 12.

берди. 1990 йилда 1988 йилга нисбатан пахта экин майдонлари 307 минг гектарга, пахта толасини етиштириш давлат буюртмаси режаси эса 210 минг тоннага қисқартирилди³². 1991 йилга келиб пахта майдонлари 22 фоизга камайди³³. Шу тариқа республикада кескин ижтимоий муаммолар гирдобидида қолган аҳолининг турмушини яхшилаш юзасидан дастлабки қадамлар ташланди.

«XX асрнинг 50 – 80-йилларида Ўзбекистонда атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг аҳволи ва унинг ижтимоий муаммолари» номли учинчи бобда табиатни муҳофаза қилиш ишининг ташкилий-ҳуқуқий масалалари ва унинг амалдаги ижроси, носоғлом экологик муҳитнинг аҳоли саломатлиги ва турмуш даражасига таъсири ёритилган.

Ўзбекистонда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш жараёнлари XX асрнинг иккинчи ярмида ривожланиб борди. Хусусан, 1959 йилнинг ноябрида ЎзССР Олий Кенгаши Ўзбекистонда табиатни муҳофаза қилишни кучайтириш, табиий ресурслардан тўғри фойдаланишни таъминлаш ҳамда аҳолининг мунтазам равишда ўсиб бораётган моддий-маданий эҳтиёжларини тўла қондириш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда «Табиатни кўриқлаш ҳақида»ги қонунни қабул қилди³⁴. Ушбу қонун кейинги йиллар давомида республикада атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида олиб борилган ишларга ҳуқуқий негиз бўлди.

XX асрнинг 60-йилларига келиб, табиатни муҳофаза қилиш ишларига эътибор янада кучая бошлади. Жумладан, ЎзССР Министрлар Совети, ЎзССР Олий Кенгаши Президиуми ва Ўзбекистон КП МҚнинг 1961 йил 27 ноябрдаги 835-сонли қўшма қарори билан «Ўзбекистон табиатни кўриқлаш ва кўкаламзорлаштириш жамияти» ташкил қилинди. Ушбу жамият орқали табиатни ҳимоя қилиш бўйича қонунлар ижросини жамоатчилик назоратига олиш, табиий муҳитни сақлаш ва соғломлаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Натижада республикада 10 дан ортиқ кўриқхона ва буюртмахоналар ташкил этилди, даштларда ўрмон хўжалигини ривожлантиришда маълум бир тажриба орттирилди, атмосферага чиқариладиган зарарли чиқиндилар ва оқава сувларни тозаловчи иншоотлар ишга туширилди, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишларининг аҳволи мониторинги юритиб борилди. 1974 йилда Республика табиатни муҳофаза қилиш жамияти томонидан қўлланилган сезиларли чора-тадбирлардан бири – бу республикадаги атмосфера ҳавосини ҳамда сув ҳавзаларини ишлаб чиқариш чиқиндилари билан зарарлаётган саноат ва бошқа корхоналарни рўйхатга олиниши бўлди³⁵.

1988 йилга келиб, Ўзбекистон табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ташкил топди. Бу органга олдин турли табиий ресурсларнинг

³² Народное хозяйство Узбекской ССР в 1990 г. – Ташкент: Узбекистан, 1991. – С. 237.

³³ Икрамов А. Поднять эффективность сельской экономики // Сельское хозяйство Узбекистана. – Ташкент, 1991. – № 7. – С. 2.

³⁴ ЎзР МДА, 2742-фонд, 1-рўйхат, 13-йиғма жилд, 130-варак.

³⁵ ЎзР МДА, 2742-фонд, 1-рўйхат, 137-йиғма жилд, 14-варак.

химояси билан шуғулланган вазирликлар, хусусан сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги, балиқчилик хўжалиги, геология, соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқаларнинг функциялари назорати ўтказилди. Албатта, шаклланган мана шундай тизимнинг ўзига хос камчиликлари, хусусан, куч ва воситаларни беҳуда сарфлаш, экологик фаолиятнинг ягона концепцияси йўқлиги мавжуд бўлса-да, ҳар ҳолда атроф-муҳит муҳофазасида муайян тажриба орттирилди. Қўмита фаолияти асосида республикада атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида амалга оширилган ишлар Ўзбекистонда табиатни муҳофаза қилиш тизимини тубдан ўзгартирган янги босқични бошлаб берди.

Диссертацияда Ўзбекистоннинг қатор саноат марказларида юзага келган носоғлом экологик муҳит ижтимоий ҳаётга ўзининг сезиларли таъсирини ўтказгани баён этилади. Бунда ишлаб чиқариш ва саноат корхоналарининг атроф-муҳитга чиқараётган зарарли чиқиндилари роль ўйнаганлиги қайд этилади. 1980-йилларда Чирчиқ шаҳрида атроф-муҳитни ифлослантираётган чиқиндиларнинг 74 % кимёвий ишлаб чиқариш корхоналари ҳиссасига тўғри келгани ҳолда, шаҳарда аҳолининг касалланиш даражаси юқори кўрсаткичга эга бўлди. Хусусан, 100 минг кишилиқ аҳолидан 55,6 % турли касалликларга чалинганларни, уларнинг аксарият кўпчилиги нафас йўллари касалликлари билан оғриганларни ташкил қилди³⁶. Андижон Гидролиз заводи атрофида яшовчи аҳоли ҳам айнан шундай касалликларга чалинган эди³⁷.

Аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўрсатувчи носоғлом экологик муҳитни шакллантиришда Навоий, Фарғона, Олмалиқ, Қўқон, Самарқанд ва бошқа шаҳарлар ҳам катта ўрин тутдилар. Масалан, Самарқанд суперфосфат заводи жойлашган ҳудудда яшовчи аҳоли ўртасида тиббий кўрик ўтказилганида уларнинг кўпчилигида бронхиал астма, юрак-қон томир касалликлари, ошқозон-ичак касалликлари ва бошқаларнинг аломатлари аниқланган³⁸.

1990-йиллар арафасида республикада фойдаланилаётган сув ресурсларининг 42,3 % Тошкент шаҳри ва вилоятига тўғри келгани ҳолда, йирик саноат ва маиший хизмат тармоқлари таъсирида мазкур ҳудуддаги дарё ва сув ҳавзаларининг санитария ва экологик ҳолати жуда нохуш аҳволда эди. Ўша даврда Тошкент шаҳрида «...Бетон, асфальт, транспорт, завод-фабрикалар, ичимлик сувини тозалаб беришни уддалай олмаётган сув тозалаш иншоотлари, шаҳар ташқарисида тутаб ётган ахлатхоналар ва қўллар инсон ҳаётига хавф туғдирарди»³⁹.

Ноқулай экологик вазиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётга таъсири айниқса, Орол ва Оролбўйи муаммолари мисолида яққол намоён бўлади. Орол денгизи минтақасида вужудга келган оғир экологик вазиятдан, айниқса, унга яқин бўлган Мўйноқ, Қўнғирот, Чимбой каби шаҳарлар ва улар атрофидаги қишлоқлар кўп азият чекди. Мўйноқ ривож топиб турган пайтларда шаҳарга бошқа жойлардан келиб қолган аҳолининг 90 мингдан

³⁶ Охрана здоровья в СССР. – М.: Финансы и статистика, 1990. – С. 65.

³⁷ Ниязов А. Мувозанат // Совет Ўзбекистони. 1989, 1 март.

³⁸ Қалантаров А. Неуютно в ценах // Правда востока. 1981, 24 апр.

³⁹ Ғаниев М. Унутилган қишлоқлар // Ўзбекистон макон ва замонлар оша. – Тошкент: Сўғдиёна, 2011. – Б. 74.

ортиғи экологик фалокат туфайли яна ўз юртларига қайтиб кетди⁴⁰. Озиқ-овқат масаласи кескинлашиб, дон, сабзавот, сут ва гўшт маҳсулотлари етиштириш имкониятлари камайиб кетди. Кўпгина ҳаётий муҳим манфаатларга зиён етказилди.

Умуман, республика бўйлаб носоғлом экологик муҳит, оғир жисмоний меҳнат шароитлари, ўз вақтида сифатли овқат емаслик, камқонлик оналар ва болалар саломатлигига шикаст етказди. Бу даврда 1 ёшга етмай ўлган болалар сони йилига 30,3 минг кишини ташкил этди⁴¹.

Туғилаётган болаларнинг 80 – 90 % ҳар хил касалликларга эга бўлаётганлигига қишлоқ хўжалигида қўлланилган диоксин моддаси сабабчи эканлиги маълум бўлди⁴². Олимлар фикрича, унинг 100 млрд.дан бир қисми ҳам инсон организмнинг иммунабиологик кучини кескин пасайтириш, насл-насабини бузиш хусусиятига эга бўлиб, у ўз хусусиятини 5 – 10 йилда ҳам йўқотмайди. Йилдан йилга сариқ касалига чалинганлар сони ортиб борди. Мактаб ўқувчиларининг 30 %дан ортиғи сурункали касалликлар билан оғридилар, яна шунча болаларнинг қадди-қоматида, асаб тузилишида нуқсонлар бор эди. Табиий мувозанатнинг бузилиши, кимёвий дорилар таъсирида туғилиб, вояга етган болаларнинг ўртача вазни 46 кг га тушиб қолди⁴³.

Шу тариқа Ўзбекистондаги экологик вазият совет ҳокимиятининг сиёсий ва иқтисодий қарорлари, республика табиий муҳитини асраш учун зарур чораларнинг эътибордан четда қолганлигининг бевосита оқибати бўлди. Бу ўз навбатида аҳоли ижтимоий турмуш даражасининг пасайишига сабаб бўлди.

Диссертациянинг **«Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида экологик хавфсизликни таъминлаш муаммолари»** деб номланган тўртинчи боби шу соҳадаги трансформацион жараёнларнинг таҳлилига бағишланган. Унда Совет Иттифоқи давридан мерос қолган экологик нобарқарорлик ўчоқлари Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида мавжуд бўлганлиги қайд этилган. Умуман олганда мамлакатнинг экологик хавфсизлигига таҳдидлар – глобал, минтақавий, миллий ва маҳаллий даражалар билан таснифланади.

Глобал иқлим ўзгариши оқибатида, дунёнинг айрим минтақаларида кескин ҳолатлар (масалан, ҳалокатли сув тошқинлари, ёнғинлар ва бошқалар) юз бераётган бўлса, бизнинг шароитимизда унинг секинлик билан, аммо сезиларли таъсири хавфи мавжуд⁴⁴. Айнан, иқлим ўзгариши туфайли Марказий Осиё ҳудудида экстремал ҳарорат кўрсаткичли кунлар сонининг ортиши кузатилади.

⁴⁰ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1990 г. ... – С. 19.

⁴¹ Правда Востока. 1989, 13 декабрь.

⁴² Ёш ленинчи. 1989, 22 декабрь.

⁴³ Бобожонова Д. Ўзбекистонда демографик жараёнлар ва уларнинг хусусияти. – Тошкент: Фан, 1995. – Б. 83.

⁴⁴ Эшчанов Р.А., Давлетов С.Р. Глобал иқлим ўзгариши ва Ўзбекистон шароитида унинг салбий оқибатларидан ҳимояланиш йўллари. – Урганч: УрДУ НБ, 2010. – Б. 18.

Озон қатламининг емирилиши глобал муаммолардан бири бўлиб, Озон қатлами сийраклашувининг олдини олиш борасида баъзи чоралар кўрилмоқда. Озонни емирувчи моддаларни халқ хўжалигида қўлламаслик борасида чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 1993 йилда Ўзбекистон «Озон қатламини химоя қилиш» бўйича Вена конвенциясига қўшилган⁴⁵. «Узгидромет» маркази 1994 йилдан бошлаб, Тошкент шаҳридаги метеостанцияда озоннинг умумий таркибини доимий ўлчаб бормоқда⁴⁶.

Диссертацияда Орол муаммосига алоҳида эътибор қаратилган. Кейинги беш ўнйилликда Орол денгизи акватория майдони 8 барабар камайди. Сув ҳажми 14 мартага камайди⁴⁷, денгиз соҳилдан 120 – 200 кмгача узоқлашди. Сувнинг шўрлиги ғарбий қисмда 110 – 112 г/л, шарқий чуқурликда эса, 280 г/лга етди. Қуриган денгиз тубида 45 минг км² ҳудудда тузли чўл ҳосил бўлди. Инкироз туфайли қўллар сув юзаси 100 минг гектардан 45-50 минг гектаргача, камишзорлар 120 минг гектардан 15 – 20 минг гектаргача, тўқайлар 300 минг гектардан 125 гектаргача, туташ ҳудудлардаги табиий яйловлар 348 минг гектардан 125 минг гектаргача қисқарди⁴⁸.

Орол денгизи қуриши ва шўрланиши даражасининг ортиши (хатто, айрим йилларда океан суви шўрланиши даражасидан ҳам 2 марта кўтарилиши) оқибатида денгизда 1960-йилларда мавжуд бўлган 32 балиқ тури 6 тургача қисқарди⁴⁹.

Қуриб бораётган Орол денгизи тубидан йилига 100 млн. тоннагача тузчангли тупроқ-қумлар кучли шамол таъсирида кўчиб, учиши аниқланган⁵⁰. Учаётган тузли тупроқ-қумлар асосан сульфат ва хлорид тузлари бўлиб, улар узоқ масофаларга тарқалиб инсон саломатлигига таъсир кўрсатиб, сувнинг ифлосланиши ва тупроқ унумдорлигининг пасайишига олиб келмоқда⁵¹.

Минтақавий экологик муаммолар таркибига биринчи навбатда Оролбўйи муаммолари киради. Орол денгизининг қуриши оқибатида пайдо бўлган чўл Оролбўйи ҳудудини қамраб олиб, экологик хавф доимий тус олиб, мавжуд ҳудуд ва маҳаллий аҳолининг турмуш сифати ва саломатлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Энг ёмони бу ерда истиқомат қилаётган аҳоли генофондига хавф солмоқда. Орол муаммоси таъсирида Оролбўйи ҳудудида сўнгги йилларда ўтлоқларнинг камайиши ва тупроқ ҳосилдорлигининг пасайиши туфайли 100 мингдан ортиқ ишчи ўринлари йўқотилиб, ҳудуддаги аксарият оилаларнинг даромад манбаи йўқолишига сабаб бўлди.

Ҳудуддаги ичимлик сувининг паст сифати ўткир ошқозон-ичак касалликлари ва бошқа инфекцион касалликларнинг ўсишига таъсир

⁴⁵ ДЭҚЖА, Папка №12. Материалы международных конвенций. Венская конвенция об охране озонового слоя.

⁴⁶ Абдуғаниев О. Хавфсиз ва мазмунли ҳаёт кафолати // Жамият. – Тошкент, 2010. - 13 авг.

⁴⁷ Аральское море и Приаралье. – Ташкент: НИЦ МКВК, 2015. Вып. 16. – С. 82.

⁴⁸ ДЭҚЖА. Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит ҳолати ва табиий ресурслардан фойдаланиш тўғрисида Миллий маъруза-2008... – Б. 65.

⁴⁹ Гордеев Г. Трагедия Аральского моря // Тайны XX века. – 2008. – № 24. – С. 5.

⁵⁰ Ханиязов З. Барқарор экологик вазият сари // Туркистон. – 2016. – № 10. – С. 4.

⁵¹ ГЭФ Кичик грантлар дастури жорий архиви (Кейинчалик ГЭФКГДЖА). Национальная Стратегия Программы малых грантов Глобального Экологического Фонда в Узбекистане. – Ташкент, 2008. – С. 14.

кўрсатди. Қорақалпоғистондаги касалланиш даражаси Ўзбекистон бўйича ўртача кўрсаткичдан 11,2 % га кўпдир⁵². Оролбўйи агросаноат мажмуаси тармоқларини ривожлантиришда қатор қийинчиликлар юзага келмоқда. Мазкур ҳудудда суғориладиган ерларда 1 гектардан олинадиган фойда Ўзбекистон бўйича ўртача фойдадан 2 баробар кам⁵³.

Яна бир муаммо чўлланиш муаммоси бўлиб, 1960-йиллардан бошлаб Ўзбекистоннинг экотизимлари мислсиз ўзгаришларга дучор бўлди. Антропоген таъсир натижасида мамлакатнинг фақатгина қурғоқчил зоналаридагина эмас, балки тоғли ҳудудларининг ҳам чўллашиши юз бера бошлади. Ўзбекистон Республикасининг яйлов ва пичанзорлари асосан чўлда бўлиб, атмосфера ёғинларидан сув ичади. Чўлланиш оқибатида 70 %дан кўпроқ яйлов яроқсиз ҳолга тушиб қолган⁵⁴.

Мамлакатда дарё сувларининг ифлосланиши экология-гигиена ва санитария-эпидемиология вазиятини, айниқса, дарёларнинг қуйи оқимларида ёмонлаштирмоқда. Иккинчи томондан, дарё сувлари таркибида тузларнинг мавжудлиги Амударё, Сирдарё, Зарафшон ва бошқа дарёларнинг дельталарида тупроқнинг шўрланишини кучайтирмоқда.

Бобда экологик хавфсизликка таҳдид солувчи миллий экологик омиллар ҳам ёритилган. Ўзбекистонда сув ресурсларидан фойдаланишда содир бўлаётган асосий муаммолар қуйидагилардан иборат: аҳолининг, айниқса қишлоқ аҳолисининг тоза ичимлик суви билан кам таъминланганлиги; суғориладиган деҳқончиликда вужудга келган тизим; сув ресурсларини бошқариш ва сувдан тежаб фойдаланишдаги камчиликлар.

Мамлакатда ерларнинг шўрланиши, шамол ва сув эрозиясига учраши энг долзарб муаммолардан саналади. Ўзбекистонда суғориладиган ерлар 4,2 млн. гектар бўлиб, улар паст маҳсулдорлиги, юқори шўрланиш даражаси, шамол ва сув эрозиясига учраганлиги билан характерланади. Таҳлилларга кўра, 2010 йиллар охирига келиб, республикада шўрланган ерлар суғориладиган ерларнинг 50,7 % (2170,7 минг гектар)ини, шундан кучсиз шўрланган ерлар – 31,4 %; ўртача шўрланган ерлар – 15,5 %; кучли шўрланган ерлар – 3,8 % ташкил этган. Суғориладиган ерларнинг 52 %дан ортиғи иккиламчи шўрланишга дучор бўлган. Экин майдонининг 1,42 млн. гектари сув эрозиясига учраган⁵⁵. Айниқса, дарёларнинг қуйи қисмларидаги ерлар кучли шўрланган⁵⁶. Амударё ва Сирдарёнинг юқори ҳавзаларида ернинг 10 % юқори даражада шўрланган, Амударёнинг қуйи оқимида бу рақам 95 %ни ташкил этди.

⁵² Популярная экологическая энциклопедия Республики Узбекистан. – Ташкент, 2008. Т.1. – С. 94.

⁵³ Мамадалиев Ш.П. Агропромышленный комплекс Приаралья в условиях экологического неблагополучия: состояние и перспективы // Вестник ККО АН РУз. – Нукус, 2007. – № 1. – С. 49.

⁵⁴ ДЭҚЖА, Атроф мухитни муҳофаза қилиш миллий ҳаракат режаси. -Тошкент, 1998. - Б.28.

⁵⁵ Узгидромет жорий архиви. Агалцева Н.А. Выполнение обязательств по КБО в Узбекистане: основные направления и действия. Презентация. – Ташкент, 2010. – С. 30.

⁵⁶ Второе национальное сообщение Республики Узбекистан Рамочной конвенции ООН об изменении климата. – Ташкент, 2008. – С. 8.

Тупроқнинг ҳар хил чиқиндилари ва маиший чиқиндилар билан шиддатли тарзда ифлосланиши реал таҳдид туғдирмоқда. Ўзбекистонда ҳар йили 100 миллион тоннадан ортиқ саноат чиқиндиси тўпланади. Уларнинг 14 %га яқини заҳарли чиқиндилар тоифасига киради. Республикада ҳар йили 30 млн. м³ маиший чиқинди ҳосил бўлади. Республика асосий омборхоналарида 2 млрд тоннага яқин саноат ва маиший чиқинди тўпланган⁵⁷. 2015 йилга келиб, республикада жами 11432 та чиқиндихоналар қурилган бўлиб, ўрнатилган контейнерлар 7368 тага етди⁵⁸.

Маҳаллий муаммоларга радиацион ифлосланиш, ер ости сувлари ифлосланиши ва бошқалар мисол бўлади. Жумладан, Навоий вилоятидаги қолдиқлар сақланадиган жой ҳам экологик жиҳатидан хавфли ифлослантириш ўчоғи ҳисобланади. Бу ердаги радиоактив қумни шамол учуриши хавфи бор. Ўтмишда заҳарли химикатлар сақланган омборлар мавжуд ҳудудлардан Қорақалпоғистон Республикасининг Қораузак тумани, Бухоро вилояти Жондор тумани, Самарқанд туманининг Нуробод туманларида тупроқ таркибидаги пестицидлар миқдори белгиланган меъёрдан 10 марта кўп бўлди⁵⁹. Юқорида қайд этилган ҳодисаларга барҳам бериш мустақиллик йилларида давлат томонидан ечимига эътибор қаратилган ўткир муаммолардан бири бўлди.

Диссертацияда Ўзбекистонда давлат мустақиллигига эришилганидан сўнг, асосий эътибор инсон фаолияти, кишилар соғлигини ҳимоя қилиш учун қулай атроф-муҳит шароитларини таъминлашга қаратилганлиги қайд этилади. Ўзбекистон Республикасининг экологик сиёсати Конституция, қонунчилик, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик Концепцияси, атроф-муҳит ва барқарор ривожланиш бўйича Рио-де-Жанейро ва Йоханнесбург Декларацияларининг тамойиллари асосида, халқаро конвенциялар ва шартномалардан ҳамда етакчи давлатларнинг қонунчилик соҳасидаги тажрибалардан келиб чиқадиган республиканинг мажбуриятлари ҳисобга олинган ҳолда олиб борилади.

Умуман олганда мустақиллик даврида мамлакатда экологик хавфсизликни таъминлаш масалаларининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини белгилаб берган Ўзбекистон Республикасининг 51 та қонуни, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 4 та қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10 та фармон ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 106 та қарори, Ўзбекистон республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтган 16 та меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

⁵⁷ ДЭҚЖА. Ўзбекистоннинг экологик шарҳи, 2008. – Б. 54-55.

⁵⁸ Ахматов Ш.М. Худудий дастурлар изчил амалга оширилмоқда // Экология хабарномаси. – Тошкент, 2015. – № 9. – Б. 66.

⁵⁹ ДЭҚЖА. Информационный бюллетень о состоянии источников загрязнения и их влиянии на окружающую природную среду на территории Республики Узбекистан (2007-2008 гг.). – Ташкент, 2010. – С. 30.

Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони⁶⁰ Ўзбекистонни яқин беш йил ичида инсон ҳаёти учун энг қулай мамлакатга айлантиришга йўналтирилган устувор йўналишларни амалга оширишни кўзда тутди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда амалга оширилган экологик сиёсат - табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳитни ифлослантириш даражасини экологик ва санитар меъёрларгача пасайтириш, Оролбўйи ва бошқа ҳудудларда экологик вазиятни барқарорлаштириш, аҳолини сифатли ичимлик суви, озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори воситалари билан таъминлаш, экологик тоза ва ресурс тежамкор технологияларни жорий қилиш, экология соҳасида илмий-техник салоҳиятни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни экологиялаштириш, трансчегаравий муаммоларни бартараф қилиш, экологик таълим-тарбия ва маданият тизимини такомиллаштириш, экологик муаммоларни бартараф этишда халқаро ҳамкорликни чуқурлаштириш каби стратегик йўналишларни ўзида мужассамлаштирди⁶¹.

Диссертацияда Марказий Осиё минтақасида сувдан фойдаланишнинг трансчегаравий муаммолари алоҳида таҳлил қилинган. Орол денгизи ҳавзасида Марказий Осиёнинг 5 та республикаси жойлашган бўлиб, ҳудуди 1550 минг км²ни ташкил этгани ҳолда, суғориладиган майдонлар 7,95 млн га тенг. Минтақада тикланадиган сув ресурслари ҳажми йилига ўртача 118-120 км³ни ташкил этади. Уларнинг асосий таркиби Амударё, Сирдарё сувлари ҳамда ер ости сувлари захиралари (14,7 км³)дан иборат. Сув омборлари ҳажми – 60 км³га тенг⁶². Орол денгизи ҳавзасининг сув ресурсларидан унинг ҳавзасида жойлашган давлатлар ҳамкорликда фойдаланиши – сув ҳўжалигининг трансчегаравий тусда эканлигини билдиради.

Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб Марказий Осиё сув-энергетика ресурсларини биргаликда бошқариш соҳасидаги икки томонлама ва кўп томонлама битимлар ва минтақавий ташаббусларда фаол иштирок этиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси минтақавий хавфсизликни таъминлаш борасидаги ўз позициясини намоён этган ҳолда, Марказий Осиёдаги дарёларнинг юқори қисмида гидротехник иншоотлар қуриш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш масалаларида қўшни республикалар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ишларини мустаҳкамлашга интилмоқда.

«Ўзбекистонда ижтимоий-экологик вазиятни соғломлаштириш жараёнлари» деб аталган бешинчи бобда мамлакатда барқарор тараққиёт мақсадларига эришиш йўлидаги ижтимоий-экологик жараёнлар тадқиқ этилган.

Мустақиллик йилларида амалга оширилган ислохотлар натижасида мамлакат иқтисодиёти қарийб 6 баробар, аҳоли жон бошига тўғри келадиган

⁶⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. 2017 йил 7 февраль. (www.lex.uz).

⁶¹ Стратегические направления обеспечения экологической безопасности и механизмы их реализации. (<http://uznature.uz/rus/strategy.html>).

⁶² Рахимов Ш.Х., Хамраев Ш.Р. Водные ресурсы в бассейне Арала // Экология и статистика. Сб. статей. (www.ireco.ru).

реал даромадлар 12 баробардан зиёд ошди⁶³. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш учун йўналтирилган давлат харажатлари кўпайди, аҳоли турмуш шароитини яхшилашга доир чора-тадбирлар тизимида соғлиқни сақлаш ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш алоҳида ўрин тутди. 1993 йилдан бошлаб Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти ва Ўзбекистон ҳукумати ҳамкорлиги йўлга қўйилди. Мамлакатда амалга оширилган ислохотлар натижаси фарқли ўлароқ 1995 йилга келиб, 100 минг туғилган гўдакларга нисбатан оналар ўлими 1989 йилдаги 42,8 кўрсаткичидан 19,3 га тушди. Соғлиқни сақлаш тизимлари бўйича Европа обсерваторияси мутахассисларининг хулосаларига кўра, бу натижага мамлакатда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишга кўп йиллар давомида устувор аҳамият берилиши сабабли эришилган⁶⁴.

1998 йилда Ўзбекистон ҳукумати ва Жаҳон банки ўртасида 70 млн. АҚШ доллари ҳажмидаги «Саломатлик» лойиҳасини амалга ошириш бўйича битим тузилди. Шу асосда 1999 – 2004 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона, Сирдарё, Навоий, Хоразм вилоятларида соғлиқни сақлашнинг бошланғич звеноларини ислох этишга йўналтирилган «Саломатлик-1» лойиҳаси амалга оширилди. «Саломатлик-2» лойиҳаси доирасида (2004 – 2011 йиллар) 2389 та қишлоқ врачлик пункти ва 25 та оилавий поликлиникалар зарур асбоб-ускуналар билан таъминланди. «Саломатлик-3» лойиҳаси (2011 – 2018 йиллар) эса бирламчи соғлиқни сақлаш хизматларини яхшилаш ва ноинфекцион касалликлар ўсишини оғоҳлантиришга йўналтирилган⁶⁵.

Сўнгги йилларда барқарор ривожланиш асосларини мустаҳкамлаш мақсадида мамлакатдаги ижтимоий-экологик вазиятни соғломлаштиришга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Ер-сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш, ўрмонзорлар барпо этиш, биохилма-хилликни сақлаш, саноат корхоналарини модернизациялаш, иқтисодиётда энергосамоарадорликни ошириш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш чораларининг кўрилгани экологик хавф даражаси юқори бўлган ҳудудлардаги экотизимларнинг барқарорлашишига, атроф-муҳит сифатининг яхшиланишига ҳисса қўшди⁶⁶.

Хусусан, сув тармоғида республикада сўнгги ўн йилнинг ўзида 2 млрд. АҚШ долларида ортиқ миқдордаги маблағлар ҳисобидан кенг кўламли дастур ва лойиҳалар амалга оширилди. Қабул қилинган чора-тадбирлар туфайли Ўзбекистон сув олишни 20 %дан ортиққа – йилига 64 млрд. куб.метрдан 51 млрд. куб.метрга, аҳоли жон бошига бўлса деярли икки

⁶³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори // Халқ сўзи. 2016, 3 июнь.

⁶⁴ Системы здравоохранения в переходный период. Узбекистан. Европейская обсерватория по системам здравоохранения, 2001. – С. 16.

⁶⁵ Первичное здравоохранение и профилактика заболеваний – приоритеты для Узбекистана. 12.02.2014 (www.worldbank.org).

⁶⁶ Доклад по Целям развития тысячелетия: Узбекистан, 2015. – Ташкент: ЦЭИ, 2015. – С. 82-84.

маротабага қисқартирди⁶⁷. Ўтган даврда қўрилган чоралар натижасида 1,7 млн гектар суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Сизот сувлари энг оғир даражада жойлашган ерлар қарийб 500 минг гектарга, кучли ва ўртача шўрланган ерлар эса 100 минг гектарга (12 %га) қисқарди⁶⁸.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан юртимизда инсон ҳаётининг муҳим манбаи бўлган биохилма-хилликни асраб қолишга катта эътибор қаратилди. Ҳозирги даврда республика ҳудудида 1 та биосфера резервати, 8 та давлат қўриқхонаси, 3 та миллий боғ, 12 та давлат буюртмахонаси, 3 та табиат питомниги, 7 та табиат ёдгорлиги фаолият кўрсатмоқда.

Бугунги кунда мамлакатда турли ННТлар фуқаролик жамиятининг институционал асосини ташкил этади, улар давлат ва жамият ўртасидаги мувозанатни таъминлайди, мавжуд ижтимоий-иқтисодий, гуманитар муаммоларни аниқлаб, жамиятни уларни бартараф этишга сафарбар этади. Шунинг учун кейинги беш йилда ННТлар сони 1,6 бараварга ортиб, 8400 тадан кўпроқни ташкил этди. Уларнинг 250 дан ортиғи мамлакатнинг барча ҳудудларида экология ва соғлиқни сақлаш соҳаларида фаолият кўрсатиб келмоқда⁶⁹. Мустақиллик йилларида экологик муаммоларни бартараф этиш ва уларнинг салбий оқибатларини олдини олиш борасида орттирилган ўзига хос тажрибанинг натижаси фарқли ўлароқ, 2008 йилда Ўзбекистон экологик ҳаракати вужудга келди. Мазкур ҳаракат «Соғлом муҳит - инсон саломатлиги» шиори остида республикада комплекс чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Мамлакатдаги ижтимоий-экологик муаммоларнинг ҳал қилинишида халқаро ташкилотларнинг ўрни жуда катта бўлмоқда. Хусусан, ГЭФ ва БМТнинг тараққиёт дастури (БМТТД) ёрдамида Ўзбекистон Республикаси биологик хилма-хилликни сақлаш миллий стратегия ва ҳаракат режаси ишлаб чиқилди ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 1 апрелдаги 139-сонли қарори билан маъқулланди, Жаҳон Банки кўмагида Ўзбекистон Республикаси атроф-муҳитини муҳофаза қилиш миллий ҳаракат режаси ишлаб чиқилди, БМТ Атроф-муҳит дастури (UNEP) ва БМТТД ёрдамида Ўзбекистон Республикасида чўлланишга қарши кураш бўйича миллий ҳаракат дастури ишлаб чиқилди, Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳудудий режаси ишлаб чиқилди, Озон қатламини емирувчи моддалар алмаштиришни бошқариш бўйича миллий озон офиси ташкил этилди, Нурота тоғ тизмалари ва Қизилқум чўлларида туташ ҳудудлардаги биологик хилма-хилликни, ландшафтларни ва бутун жаҳон аҳамиятига эга бўлган

⁶⁷ Выступление главы делегации Республики Узбекистана Б. Абдусаматова в церемонии открытия конференции на тему «Вода и добрососедские отношения в Центральной Азии» (Берлин, 7-8 сентября 2015 г.). // www.uznature.uz

⁶⁸ Доклад Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова на заседании Кабинета Министров, посвященном итогам социально-экономического развития страны в 2014 году и важнейшим приоритетным направлениям экономической программы на 2015 год. 17.01.2015. // www.press-service.uz.

⁶⁹ Ўзбекистон Экологик ҳаракати расмий сайти маълумоти, 2016: www.eco.uz/uz/biz-a-imizda/amkorlarimiz.

маданий бойликларни сақлаш, шунингдек Ўзбекистондаги қўриқланаётган ҳудудларнинг янги кўринишларини яратиш ишлари олиб борилмоқда⁷⁰.

Маълумки, 1994 йилнинг январь ойида Марказий Осиё давлат раҳбарлари томонидан «ПБАМ-1» дастури тасдиқланди. Мазкур дастур доирасидаги ишларни 2 босқичда амалга ошириб, 3-5 йилга мўлжалланган дастлабки босқичда 30 млн. АҚШ доллари, кейинги босқичда 500-750 млн АҚШ доллари миқдоридаги маблағлар жалб этилиши режалаштирилди⁷¹. «ПБАМ-1» дастурини амалга ошириш учун халқаро ташкилотлар ва донорлар томонидан 47,7 млн. АҚШ доллари грант сифатида ва 278 млн. АҚШ доллари қайтариладиган маблағ сифатида жалб этилиши натижасида эришилган ютуқлар минтақадаги ҳам экологик, ҳам ижтимоий вазиятни бироз яхшилаш имконини берди⁷².

2002 йил октябрь ойида Марказий Осиё давлат раҳбарларининг Душанбе шаҳридаги учрашувида «Орол денгизи ҳавзасида экологик ва ижтимоий-иқтисодий ҳолатни яхшилаш бўйича 2003 – 2010 йилларга мўлжалланган аниқ ҳаракатлар дастури» (ПБАМ-2) қабул қилинди⁷³. 2003 - 2009 йилларда ОҚХЖ ИҚ томонидан «ПБАМ-2» дастури доирасидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун 7030 минг АҚШ доллари миқдорида маблағлар жалб этилди⁷⁴. Бу лойиҳалар минтақадаги сув ресурсларини бошқариш ва сув хўжалиги ҳавзалари бирлашмаларининг салоҳиятини кўтаришга йўналтирилди.

«Орол денгизи ҳавзасидаги давлатларга ёрдам кўрсатиш бўйича 2011 - 2015 йилларга мўлжалланган ҳаракат дастури» (ПБАМ-3)да 300 дан ортиқ лойиҳаларни амалга оширишга 8,5 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги маблағ сарфланиши кўзда тутилди⁷⁵. Дастур қуйидаги йўналишларда амалга оширилди: сув ресурсларини ҳамкорликда бошқариш; экологик йўналиш; ижтимоий-иқтисодий йўналиш ва институционал-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 январдаги «2017 - 2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш давлат дастури тўғрисида»ги ПҚ-2731-сонли қарори⁷⁶ Оролбўйи минтақасида экологик ва ижтимоий-иқтисодий вазиятни яхшилашга йўналтирилган ишларда янги босқични бошлаб берди. Айниқса, мамлакатда амалга оширилаётган Ҳаракатлар стратегияси БМТ томонидан қабул қилинган Барқарор тараққиётнинг глобал мақсадларига ҳам узвий боғлиқ бўлиб,

⁷⁰ Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит ҳолати ва табиий ресурслардан фойдаланиш тўғрисида Миллий маъруза-2008... – Б. 262.

⁷¹ Материалы ИК МФСА. ПБАМ-1. <http://ec-ifas.org/index.php/ru/2010-05-17-12-51-57/asbp-1>

⁷² Казаков М. Деятельность Исполкома МФСА в водном секторе. Презентация. Международный Семинар: «Речные бассейновые комиссии и другие органы по трансграничному сотрудничеству в области управления водными ресурсами». 23 – 25 октября 2007 г. – Алматы, Казахстан. (www.unepce.org).

⁷³ Материалы Агентство МФСА (Узбекистан). История создания Международного фонда спасения Арала. http://www.aral.uz/ru/a_001.htm

⁷⁴ Материалы ИК МФСА. ПБАМ-2. <http://ec-ifas.org/index.php/ru/2010-05-17-12-51-57/asbp-2/80--2?format=pdf>

⁷⁵ Материалы ИК МФСА. Программы Международного фонда спасения Арала // www.ec-ifas.org/programs.php

⁷⁶ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – 4-сон, 49-модда.

миллий даражада уларга эришишга йўналтирилган вазифаларни кўзда тутди.

Шу тариқа охириги ўн йилликларда Орол муаммоси ва умуман Ўзбекистондаги экологик вазият билан боғлиқ масалалар ечимида сезиларли силжишлар юз берди ва атроф-муҳит тарихида муҳим босқич сифатида намоён бўлди.

ХУЛОСА

Ўзбекистондаги экологик вазият ва унинг ижтимоий муаммоларини тадқиқ этиш натижасида қуйидаги хулосалар олинди:

1. СССРда ишлаб чиқариш ва табиатдан фойдаланишда экстенсив ёндашишга асосланган маъмурий-буйруқбозлик тизими шароитида совет ҳукуматининг иқтисодий сиёсати батамом табиатни забт этиш стратегиясига йўналтирилган эди. Иқтисодий вазифаларнинг устунлиги кўп ҳолларда атроф - муҳитни сақлаш тадбирларининг декларатив ва расмийчилигини белгилаб берди.

Ижтимоий-экологик нуқтаи назардан, бу даврда мамлакатни иқтисодий ривожлантириш стратегиясининг туб моҳияти табиий ресурсларни қазиб олишни максимал даражада кўпайтириш ва уларни ишлаб чиқаришга жалб қилиниши, атроф-муҳитни асраш чора-тадбирларини эътибордан четга сурилиши, «Марказ» манфаатларини географик, миллий, минтақавий ва бошқа доирадаги манфаатлардан устун қўйилиши каби ҳолатлар орқали намоён бўлади.

2. Марказлашган ҳолда режалаштириш механизмига асосланган совет тизимининг фаолияти даврида Ўзбекистоннинг экологияси ва иқтисодиётини издан чиқарадиган даражада таъсир қилувчи энг асосий омил - айнан, иқтисодий ривожланишнинг бир томонлама, хомашёга асосланган йўналиши бўлди. Совет ҳукуматининг қишлоқ хўжалигида олиб борган ривожланиш дастурлари аҳолининг фаровонлигини ошириш, меҳнат ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга қаратилмай, пахта яккаҳокимлигини янада мустаҳкамлашга бўйсундирилди. Шу асосда минтақада Совет Иттифоқи ва Шарқий Европа давлатларининг эҳтиёжларини қондириш учун тез суръатларда пахтачилик ривожлантириб борилди. Пахтазорлар аста-секин экин майдонларидан бошқа экинларни сиқиб чиқара бошлади. Оқибатда полиз экинлари, боғзорлар, яйловлар майдони кескин камайди.

